

O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL



2021/2

ISSN: 2181 7804

Бош муҳаррир
Махмуджон
БОЛТАБАЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари
илемий маслаҳатчи:

Рашид
МАТКАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

А.Б.Хасанов, С.Б.Репкин
(Беларусь Республикаси),
С.И.Петров, Ф.Р.Зотова,
С.А.Захарова, М.В.Синютин
(Россия Федерацияси), Баек
Мунг Жонг (Жанубий Корея),
Милан Михайлович
(Сербия Республикаси),
И.П.Сивохин, А.Анарбаев
(Қозогистон Республикаси),
ШҲХанкельдиев,
ФАКеримов, Ш.И.Алламуротов,
Д.Х.Умаров, К.Д.Ярашев,
К.Ф.Баязитов, А.З.Ходжаев,
А.К.Эштаев, А.А.Пулатов,
М.Н.Умаров, Д.Н.Арзикулов,
К.Ш.Зиядуллаев,
И.А.Ахмедов, М.Ў.Арзикулов
З.Ю.Газиева, А.Н.Шопулатов,
Б.Ж.Мамбетов,
С.С.Тажибаев,
А.С.Гонашвили,
Ш.Х.Тоштурдиев.

«FAN – SPORTGA»
илемий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат
жисмоний тарбия ва спорт
университети
муассислигига чоп этилади

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШГУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

Р.М. Маткаримов – Олий спорт маҳорати босқичида шуғулланувчи аёл оғир атлетикачилар тайёргаолигининг модел тасвифлари (55 ва 87 кг вазн тоифасидаги аёл оғир атлетикачилар).	3
А.О. Абдалимов – Гандбол ихтиосолиги талабаларининг тезкөр-куч сифатларини ўкув-машгулотларда ўрганиш ва назорат қилиш.	6
Р.И. Нуримов., А.И. Ибодов – Контроль специальной ловкости футболистов.	8
З.А. Бакиев – Применение инновационных технологий для совершенствования спортивного мастерства квалифицированных борцов на основе анализа физической и технико-тактической подготовленности.	10
М.С. Олимов – Ўрта масофаға югурувчи спортчиларда жисмоний тайёргарлик даражасини шаклланиш динамикаси.	15
С.А. Эштаев., Б.Б. Мусаев, А.Р. Мусаева, Н.Ю. Пахрудинова – Степень влияния различных вариантов чередования видов гимнастического многоборья на организм юных гимнастов.	18
С.М. Тойлибаев – Некоторые особенности средств основной гимнастики влияющие на деятельность специалистов физического воспитания.	21
Б.Ш. Рахматов – Замонавий таэквондода мувозанат сақлаш турғунлиги ва уни зарба бериш аниқлителги таъсир этиши.	24
Б.К. Еримбетов – Ёш миллий курашчиларнинг умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш.	26
Е.И. Исҳакбаев – Развитие соревновательной активности у юных гандболистов с учётом их индивидуальности.	28
И.М. Мамбетназаров – Эшкак эшиш эргометрида спортивножицеларни олдиндан белгиловчи омиллар.	30
М.Н. Шукurov – Курашчиларнинг таянч-харакат аппаратига маҳсус-тайёрлов машқуларининг таъсiri.	34
А.Ш. Мўминов., З.Э. Юсупова., Х.М. Ҳабибжонова – Мусобақа шароитида марказ амплуасида ўйновчи гандболчиларнинг хужумдаги техник-тактик харакатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.	36
Х.К. Бердиева – 9-10 ёшли қиз болаларни миллий ҳаракатли ўйинлар орқали гандбол спорт турига қизиқтириш.	39
Х.Қ. Фозилов., М.М. Рахманова – Гандболчи талаба қизлаорнинг маҳсус жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш.	41
К.Ф. Баязитов – Управление учебно-тренировочным процессом на различных этапах многолетней подготовки тяжелоатлетов.	44

Таҳририят манзили:
 111709, Тошкент вилояти,
 Чирчиқ шаҳри, Спортчилар
 кўчаси 19-йи. Формат 60x84
 1/16. 80 саҳифа.
 Адади 200 нусха.
 Босишига руҳсат этилди:
 10.02.2020

**Журнал
 «DAVR МАТВИОТ
 SAVDO» МЧЖ
 босмахонасида нашр
 қилинди.**

«МАТВИОТ
 TARQATUVCHI»
 обуна каталоги
 индекси: 1118
 05.02.2018 йилда
 Тошкент шаҳрида
 оммавий ахборот
 воситаси сифатида давлат
 рўйхатидан ўтказилган.

**Рўйхатга олиш рақами
 № 02-005
 «FAN – SPORTGA»
 журнали
 2004 йилдан
 нашр этилади.**

Мусахҳихлар:
М.С. Айходжаева,
Ш.Б. Алиева

Техник муҳаррир:
М. Раҳмонов

2021/2

Т.А. Оразимбетов., И.А. Абдурасулов – Оғир атлетика-
 чиларда штанга билан ўтириб-туришлардаги токлама ҳаж-
 мини режалаштириш. 48

**БОЛАЛАР – ЎСМИРЛАР СПОРТИ
 ДЕТСКО-ЮНОШЕСКИЙ СПОРТ**

И.И. Мирзатиллаев – Умумтаълим мактабларнинг ёнгил
 атлетика тўғаракларида захира спортчиларни тайёрлаш
 самарацорлиги. 50

**ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
 ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ**

И.А. Турсуналиев – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича
 мутахассисларни касбий қайта тайёрлаш ва уларни ма-
 лакасини оширишдаги амалий натижалар ҳамда долзарб
 муаммолар. 53

Т.А. Эгамбердиева., О.А. Тоштемиров – Талабаларнинг
 жисмоний маданиятини ривожлантиришда инновацион
 ёндашувнинг зарурити. 57

М.М. Маъруфов – Жисмоний тарбия таълими жараёни-
 да талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг
 ижтимоий педагогик зарурити. 60

С.У. Абдуазимов., А.А. Хайдаров – Изучение потребно-
 стей в здоровом образе жизни у современных курсантов
 военной академии. 62

Р.С. Шукуров – Электив курс талабаларида соғлом
 туюмуш маданият асосларига бўлган муносабат ўзгаришла-
 фининг текшируви. 64

Р.Х. Чориев – Фавқулодда вазиятлаш вазирлиги ақадемия-
 си курсантларининг касбий-амалий жисмоний тайёргар-
 лигини такомиллаштириш. 68

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТИББИЙ-БИОЛО-
 ГИК ВА ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ / МЕДИ-
 КО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОРГИЧЕС-
 КИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

У.Ж. Денисова – Эффективность восстановления фи-
 зической работоспособности высококвалифицированных
 баскетболисток с использованием лазерной стимуляции. 71

Е.С. Епифанова – Психологическая подготовка юных
 тяжелоатлеток девочек в подготовительном периоде. 74

Р.М. Аъзамов – Обоснование спортивного мастерства во-
 лейболисток с позиций их мифологических особенностей. 76

К.О. Арзибаев – Применение электронного трениро-
 вочного оборудования в учебно-тренировочном процессе
 юных каратистов. 78

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ
 ПРОБЛЕМЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ**

Х.Н. Ўташев – Умумтаълим мактабларида оммавий спорт
 ҳаракатини баҳолашда ўкувчилар ҳаракат фаоллигининг
 таҳлили. 80

**ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТ
 ЭКОНОМИКА И МЕНЕЖМЕНТ ОБРАЗОВАНИЯ**

**К.Ш. Зиядуллаев., С.Б. Бобожонов., Б.Р. Бобожонов.,
 К.Ш. Раҳмонова** – Оғир хизматлари соҳасида ракордат
 мухитини шакллантиришда бенчмаркингнинг роли. 82

А.У. Рашидов – Модель современного руководителя в
 сфере физической культуры и спорта. 84

Университет ҳаётидан 88

Подготовка педагогических кадров

Количество считающих, мешающими факторами эмоциональное состоянис за годы обучения уменьшились на 34 чел., а дефицитом времени и различными условиями увеличились, соответственно, на 36 и 7 чел., что свидетельствует о занятости курсантов любимыми занятиями на пути самосовершенствования на старших курсах.




Рис 5. Факторы, влияющие на соблюдения правил ЗОЖ

Заключение. В процессе проведения исследования установлено, что использование применяемой методики физической подготовки способствует достаточной, для профилированной физической подготовки, степени форсированности физической культуры личности будущих и действующих офицеров, не обеспечивает должного уровня развития у них профессионально важных и моральных свойств и качеств [8].

Анализ полученных результатов исследований свиде-

тельствует о росте мотиваций, направленнос на формирование физиологических качеств курсантов Академии ВС РУ старших курсов обучения. Проведенное педагогическое исследование свидетельствует о формировании физической культуры личности у курсантов военной Академии ВС РУ в процессе профессионально-специализированной физической подготовки.

Литература:

1. Куренцов, В.А., Исследование индивидуальных характеристик физической подготовленности студентов-первокурсников как компоненты успешности освоения профессии и формирования ЗОЖ / В.А.Куренцов, Э.А.Зорян, Е.И.Перова // Физическое воспитание и детско-юношеский спорт. – 2015. – № 2. – С. 56-61.
2. Акопова, М.А. Организационно-педагогические условия формирования культуры здоровься студентов гуманитарного профиля / М.А. Акопова, Н.В.Попова // Теория и практика физической культуры. – 2015. - № 2. – С. 8-10.
3. Быков, В.С. Технология формирования здорового стиля жизни студентов / В.С. Быков, О.И.Уримцева // Научно-спортивный бестник Урала и Сибири. – 2014. – № 3 (3). – С. 44-49.
4. Виленский, М.Я. Физическая культура и здоровый образ жизни студента / М.Я. Виленский, А.Г. Горохов. – Учебное пособие. М.: КНОРУС. – 2012. – 240 с.
5. Ермаков, В.А. Воспитание здорового образа жизни / В.А. Ермаков, Э.В. Шемеланская. – Гульский гос. ун-т. – Т.: Изд-во ГулУ. – 2012. – 113 с.
6. Коданева, Л.Н. Динамика состояния здоровья студентов, занимающихся спортом / Л.Н. Коданева // Теория и практика физической культуры. – 2019. – № 12. – С. 66-76.
7. Любина, Н.В. Основы здорового образа жизни / Н.В. Любина // М.: МГУ, 2016. – 117 с.
8. Романов, В.А. Актуализация личностно ориентированного подхода к воспитанию здорового образа жизни студенческой молодежи / В.А. Романов, С.В. Митрохина // Теория и практика физ.культуры. – 2018. – № 2. – С.46-59.

УДК (UDC): 796.01:61



Доцент
R.S. ШУКУРОВ¹

¹ Бухоро давлат университети,
Бухоро шаҳри, Ўзбекистон

Муаллиф билан боғланиш учун:
r.shukurov1985@ru

ЭЛЕКТИВ КУРС ТАЛАБАЛАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ МАДАНИЯТ АСОСЛАРИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ТЕКШИРУВИ

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы перехода высших учебных заведений на дистанционное обучение, информатизации современного образования в области элективных сфер науки и практики специальных электронных курсов.

Ключевые слова: культура здорового образа жизни, элективный курс, критическое значение, критерий X^2 , хи-квадрат, гипотеза ноль, степень достоверность, диагностическая и прогностическая информативность.

Долзарбилиги. Ҳозирги даврда Ўзбекистон ахолисининг тибий-демографик ҳусусиятига кўра талаба ёшлиларнинг саломатлик даражаси муҳим ижтимоий кўрсаткичларидан саналади. Дунё микёсида кечётган глобаллашув даврининг пандемия шароитидаги ҳар кандай қасаллик - бевосита олий таълим, ҳамда бўлажак қасбий фаолият самарадорлигини пасайшига олиб келиши тўғрисида тажрибавий далиллар мавжуд (Ю.П. Лисицын, 1999, 2004; В.А. Медик, 2003; М.Ю. Абросимова 2005, О.А. Науменко 2005, А. С. Твердохлебов, 2005).

Annotation

Маколада олий таълим муассасаларининг масофавий таълим шароитига ўтиш, замонавий таълимни ахборотлантириши шароитига электив фан соҳалари ва маҳсус электрон курсларининг кенг кўламда амалиётга таъбик этили тажрибаларни ўрганишади.

Калим сўзлар: соғлом турмуш маданияти, электив курс, критик қиймат, эмпирик қиймат, X^2 мезони, нол гипотеза, мукобил гипотеза, ишончилик дарасаси, диагностик ва прогнозистик ахборотлиги.

The article deals with the transition of higher education institutions to distance learning, the experience of the field of science and the introduction of special e-courses into practice in the conditions of informatization of modern education.

Key words: culture of wellness, elective course, critical value, empirical value, criterion, X^2 square, zero hypothesis, alternative hypothesis, degree of reliability, diagnostic and prognostic information.

Муаммо доирасида ўрганилган манбаалар асосида эътироф этиш жоизки - таълим муассасаларида соғлом турмуш маданиятини тарфиб килиш, оммалаштириш ва замонавий ахборотлаштиришнинг долзарбилиги ва амалий аҳамияти ошиб бормоқда. Якин ҳамдўстлик давлатларида ўтказилган илмий тадқикотларда саломатликни сақловчи технологиялар, соғлом турмуш маданиятини шаклланишишнинг восита ва методлари, соғлом турмуш маданияти асосларига оид билимларнинг талабаларда даражавий ривожланиш конуниятлари ўрганилган ҳамда

Подготовка педагогических кадров

мазкур йўналишда ўзига хос тадқиқот методологияси шакллантирилган. Айнисса таълимнинг бошланғич боскичида талабалик - ёшларнинг энг заиф қисми хисобланади, чунки дастлабки таълим шароитидаги ўқув юкламалари, мослашувчанлик, кам жисмоний фаоллик, ижтимоий ва шахслараро алоқавий муаммолардан келиб чикадиган катор қийинчиликларга дуч келади [1,2,3,7,10].

Алоҳида сайланма тўпламлар (олий таълим муасасаси) мисолида эмпирик кузатув маълумотларида талабаларнинг уч йиллик даври мобайнида қайд этилган умумий қасаллик 37,7% ва мурожаатлар сонига кўра 1,5% га паст тиббий назорат хуносалари мавжуд бўлиб уларнинг динамик ўзгариш салмоғи асосан биринчи курс ўқув иилига тўғри келади. Бунда сурункали қасаллар 1,6 марта га ва олий таълимнинг охирги боскичларида саломатликнинг кескинлашу в тенденцияси хуноса килинади. Айнисса глобаллашу в муҳитининг баъзида ўта кескин иқтисодий, ижтимоий, психологик ўзгаришлари оқибатида талаба-ёшларнинг стрессларга қаршилиги билан боғлик саломатлиги хам сусайиб бормоқда [2,3].

Глобаллашу в муҳитида талабаларнинг ўзини-ўзида саломатликни асрашга йўналтирилган билим, кўнима, малака ва қасбий компетенцияларни интеграл шакллантириш билан муштарак ва мужассасам тарзда ташкил қилиш орқали амалда таълим мазмунини замонавий технологиялар билан қуроллантириш ва такомиллаштириб боришни назарда тутади [4,5,6,8].

Хорижий тажрибалардан маълумки замонавий таълимни аҳборотлаштириш шароитида электив фан соҳалари, маҳсус электрон курслар кенг кўламда амалиётга тадбиқ этилоқда.

“Турон кураши ва уни ўқитиш методикаси” фанидан “Соғлом турмуш маданияти” (СТМ) номли электив курс педагогика таълим соҳасида шахсни ҳар томонлама ривожланишишнинг муҳим компоненти сифатида Бухоро давлат университетининг масоғавий ўқитиш тизимига 2020-2021 ўқув йилидан боштаб тадбиқ этилган бўлиб, “жисмоний маданият” таълим йўналишида ўқитиладиган фанлар каторида электив курслар - талабаларнинг танловига асосланади. Электив курс жараённида режалаштирилган ва масоғавий электрон тизимнинг ўқув ресурслари асосида талабаларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш орқали соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг билим, кўнима ва малакалари билан муштарак соғлом тафаккур ва саломатликни асраш тафаккурини шакллантириш ғоясига асосланади [9].

“Жисмоний маданият” таълим йўналиши талабаларининг “СМ” номли электив курсни ўзлаштиришдан максад - “Турон кураши ва уни ўқитиш методикаси” таянч фан соҳасининг ижтимоий-маданий, амалий ва валеологик кадриятлар билан интеграциялаштирилган воситалари орқали талабалар саломатлигини саклаш ва мустаҳкамлаш, соғлом тафаккур

ва ўзини-ўзида саломатликни асраш тафаккурини шакллантиришнинг замонавий электрон муҳитини яратишига қаратилган. Мазкур тадқиқот максадига кўра “Жисмоний маданият” таълим йўналишида ўқитиладиган асосий фанлар ва ушбу фанларни чукур ўрганиш, талабалар саломатлигини саклаш воситаси сифатида замонавий аҳборотлаштирилган электив курс машғулотларини ташкил этиш билан боғлик муаммоларни ҳал қилишининг ўзгача ёндашувларини такозо этилоқда.

Тадқиқот методлари: Тадқиқот жараёни (бошида, охирида) да электив курс талабаларининг ўзини-ўзида саломатликни асраш тафаккурини шакллантиришга бўлган муносабатларини ўрганиш ва электив курс самарадорлигини тажрибавий текшириш максадида сўровнома методи қўлланилган бўлиб, натижалари математик статистика методи орқали таҳлил этилди.

Электив курс талабаларнинг соғлом турмуш маданият асосларига муносабатини текшириш максадида сўровнома қўйидаги таъкид саволлари шакллантирилди:

ХУРМАТЛИ ТАЛАБА! Тадқиқотда иштирок этганинг учун миннатдорчилик билдирамиз.

АНКЕТАНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА. Бир катор саволларга турли жавоб категориялари мавжуд. Дастроб, диккат билан ўқинг ва навбатда ўз фикрингизга мос жавоб варианти (рақам)ни белгиланг. Жавоб категориялари: ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

1. Олий таълим шароитида танлов асосида ўқитиладиган соғломлаштириш машғулотлари зарур деб хисоблайсиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

2. Бўлажак қасбий фаолиятингизда соғлом турмуш маданияти бўйича билимларингиз керак бўлади деб хисоблайсиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

3. Соғлом турмуш маданият асослари бўлажак қасбий аҳамиятга эга фаолият воситаси деб хисоблайсиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

4. Соғлом турмуш маданияти асосларини ўрганиш орқали ўзингизнинг қасбий соҳангиз бўйича имкониятларингиз кенгаяди: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

5. Жисмоний маданият ва спорт машғулотларининг барча турдаги вазифа (иш)ларида маъно-мазмун кўрасиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

6. Жисмоний маданият таълими жараёнидаги муаммоли вазиятларда фан ўқитувчиларнинг индивидуал маслаҳатига эҳтиёж сезасиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

7. Курсдан курсга ўтиш сари, жисмоний маданият ва спорт мағулотларида мустақил вазифа (иш) хиссасини ошириб бориш зарур деб хисоблайсиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

8. Соғлом турмуш тарзингизни ўзгартириш учун спорт воситалари билан шуғуланиши хоҳлайсиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

9. Саломатлигиниз ва қасбий фаолиятингиз учун спорт, жисмоний тарбия билан шуғуланиш шарт деб

Подготовка педагогических кадров

хисоблайсиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

10. Жисмоний маданият ва спорт машғулотларида ўзингиз учун қандай максадларни кўзлайсиз:

10.1. Янги харакат амалларини чуқур ўрганишга интиласиз: - ДОИМ, БАЪЗИДА, ҲЕЧ ҚАНДАЙ.

10.2. Саломатликни мустаҳкамлашга доир билим ва амалларни эгаллашга интиласиз: - ДОИМ, БАЪЗИДА, ҲЕЧ ҚАНДАЙ.

11. Соғлом турмуш тарзига амал килиш заруратини чуқур тушунасиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

12. Соғлом турмуш маданият талабларига амал қиласиз ва жисмоний тарбия билан мустакил шуғуланаисиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

13. Жисмоний маданият ва соғлом турмуш тарзи бўйича ўзингиз учун етарли ҳажмда билимларга эгасиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

14. Тўғри овқатланишнинг саломатлик учун аҳамиятини биласиз ва риоя этасиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

15. Инфекцион (вирусли) касалликларнинг профилактик амалларини биласиз ва риоя этасиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

16. Ақлий меҳнат гигиенаси ва қун тартибини рационал ташкил этишни биласиз: - ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

17. Олий таълим шароитида мутахассислик фанларини чуқур ўзлаштириш учун замонавий “ЭЛЕКТИВ КУРС” амалиёти тадқик этилса касбий таёргарлик сифати такомиллашади: – ҲА, ЙЎҚ, БИЛМАЙМАН.

Сўровнома жавобларини статистик таҳлил килиш учун “**пол гипотезаси**” ва χ^2 мезон кўлланилди [7]. Эътироф этиш жоизки, маҳсус адабиётларда фақат икки категорияга мўлжалланган “**хи квадрат**” жадвали ва формуласи мавжуд. Ўтказилаётган тадқикот мөҳиятига кўра сўровнома жавобларини таҳлил килиш учун “**хи квадрат**” жадвали ва формуласи модификациялаштирилди.

Нол гипотезаси аслида икки қузатилган ҳодиса яъни тадқикот бошида ва охирида қайд этилган сўровнома натижалари орасидаги фарқ мавжуд эмаслигини тахмин килувчи ҳодиса бўлиб хисобланади, лекин тескари алоқа (фаркнинг мавжудлиги)ни исботлашгача ҳақиқий хисобланади. Нол гипотезанинг нотўғрилигини илмий исботлаш, яъни икки ҳодиса (сайланма тўплам сифатида электив курс талабалари $n=72$ тажриба бошида ва $n=77$ тажриба охирида) ва ҳодисалар аро ишончли боғлиқликни аниқлаш - замонавий фаннинг асосий вазифасидир. Илмийлик талабларида амалга ошириладиган математик амаллар фақат ўзининг аник шартлар билан, тахминга асосланган гипотеза(N_0)ни рад этиш мумкин. Кўп холларда, тадқик этилаётган ўзгарувчан ҳодисалар ўртасида ўзаро статистик боғлиқлик (фаркнинг, икки ёки ундан кўп танланмалар ўртасида тақсимот параметрлари бўйича фаркнинг йўклиги тўғрисидаги тахминлар мавжуд. Нол гипотезани ифодалаш учун N_0 белгиси ишлатилади. Статистик хуносалашда,

тадқикотчи N_0 фаразнинг нолойиқлигини ва мавжуд эмпирик маълумотлар билан мос келмаслигини, яъни гипотезани рад этишга қараб муайян амалларни тақо佐 этади. Бошқача қилиб айтганда, N_0 – фаразни рад этувчи алтернатив фараз H_1 қабул қилиниши керак.

Қандайдир педагогик таъсирдан оддин (кейин) фоиз (%) ўлчамида натижалар киёслангандা, тадқикотчи томонидан юзаки карашда кўзга ташла надиган фаркнинг борлигини аниқлаш учун χ^2 мезони кўлланилди. Айнан, электив курс жараёнида ўтказилган назарий ва амалий-методик машғулотларининг педагогик таъсир самарадорлигини, ҳамда асосий тажриба гурӯҳи талабаларининг СТМга бўлган муносабат ўзгаришларни исботлаш учун танламалар асосида кўрсаткичларнинг статистик аҳамиятга эга бўлган силжиш (ўзгариш) тенденциясини аниқлаш зарур. Шунга ўхшаш педагогик вазиятларни тадқик этишда бир катор фарқланиш мезонларини кўллаш мумкин. Қуйидаги тартибда χ^2 мезонлари кўриб чилилади.

Сўрокнома мазмунида айри категориялар (Мисол, “ҲА”, “ЙЎҚ”, “БИЛМАЙМАН”) мавжуд. Тажриба бошида ва охирида қайд этилган барча жавоблар асосида модификацияланган жадвал шакллантирилди (мисол: 1 – жадвалга каранг).

1 – жадвал

χ^2 мезон бўйича умумий ҳисоблаш жадвали

Тажриба гурӯҳлари	Категория №1 “ҲА”	Категория №2 “ЙЎҚ”	Категория №2 “Билмайман”	Жавоблар йигиндиси
Тажриба бошида $m=72$	345	627	252	$345+627+252=1224$ (м)
Тажриба охирида $n=77$	1075	82	152	$1075+82+152=1209$ (н)
Жами:	545+1075	627+82	252+152	м + н = Н

Мазкур статистик гипотезани текшириш учун, биринчидан эмпирик қийматни критик қиймат билан солиштириш учун тажрибавий ҳодисанинг аҳамиятлик даражаси (α)ни аниқлаштириб оламиз. Педагогик тадқикотларда α нинг қийматини 0,05 га тенг деб олиб чекланилади. Иккинчидан, ишончлилик айримаси ёки фарқи $1-\alpha$ ҳисобланади. Мазкур ҳолатда $1-0,05=0,95$ (яъни 95% ишончлиги даражаси).

χ^2 нинг $\alpha=0,05$ бўлгандаги критик қиймати берилган (2 – жадвалга каранг).

2 – жадвал

χ^2 нинг $\alpha=0,05$ бўлгандаги критик қиймати

$M=I$	1	2	3	4	5
χ^2_i	3,84	5,99	7,81	9,49	11,07

Сўровнома натижаларининг “**хи квадрат**” жадвал кўрсаткичлари қуйидаги формула асосида 95 % эҳтимоллик билан эмпирик қиймат Excel дастурида хисоблаш амалга оширилди.

$$\chi_{exp}^2 = \frac{N(B_{t.b.} \cdot K_{t.o.} - K_{t.b.} \cdot B_{t.o.} - C_{t.b.} \cdot C_{t.o.} - C_{t.b.} \cdot K_{t.o.} - \frac{N}{3})^2}{m \cdot n \cdot (B_{t.b.} + B_{t.o.}) \cdot (K_{t.b.} + K_{t.o.}) \cdot (C_{t.b.} + C_{t.o.})}$$

Бу ерда, m – тажриба бошида талабалар сони, n – тажриба охирида талабалар сони, жами $N=m+n$, $B_{t.b.}$ – “ҲА” тажриба бошида, $K_{t.b.}$ – “ЙЎҚ” тажриба бошида, $C_{t.b.}$ – “БИЛМАЙМАН” тажриба бошида, $B_{t.o.}$ –

Подготовка педагогических кадров

“ҳа” тажриба охирида, $K_{\alpha} = \text{“йўқ”}$ тажриба охирида, $\chi^2 = \text{“бильмайман”}$ тажриба охирида – каби шартли белгилар хосил килинди.

3- жадвал

Сўровнома натижаларининг қиёсий таҳлили

Жами	Тажриба бошида $n=72$			Тажриба охирида $n=77$			Жами	Фарқи	
	Ҳа	Йўқ	Бильмай- ман	Ҳа	Йўқ	Бильмай- ман		Критик	Эмпирик
И $=1224$	345	627	252	1075	82	152	И $=1309$	5,99	6,11

Тадқиқот натижалари ва мухокамаси. Сўровнома категориялари бўйича қиёсий жадвалга кўра: тажриба бошида ва охирида $345 < 1075 = \text{“ҲА”}$, $627 > 82 = \text{“ЙЎҚ”}$ ва $252 > 152 = \text{“БИЛМАЙМАН”}$ мувофиқликда устунилик билан талабаларнинг соғлом турмуш маданияти асосларига муносабат ўзгаргаришлардан иборат тенденция кайд этилди.

Дастлаб илгари сурилган **H0** гипотезани рад этиш ва қабул килинган **H1** муқобил (альтернатив) гипотезани қабул килиш яъни тажрибадан олдинги ва кейинги сўровнома натижалари ўртасида ҳакқоний статистик фарқнинг мавжудлигини исботлаш учун юқоридаги формула асосида эмпирик қиммат хисобланди (3- жадвалга қаранг).

Тажрибада $M=3$ эканлигидан 2-жадвалдан $-1=2$ га тенг бўлади ва унга мос келувчи $x_{\text{кр}}^2 = 5,99$ критик қимматни оламиз. $x_{\text{кр}}^2 \geq x_{\text{эмп}}^2$ ўринли бўлди. 3-жадвалдаги маъдумотларга кўра барча сўровнома категориялари бўйича, критик ва эмпирик қимматлар ўртасида тажриба охирида ишончли фарқ мавжуд, яъни $6,11 > 5,99$.


Тажриба жараённида сўровнома туркумларининг жавоб варианлари орасида (%) ўзгаришлар кайд этдилди (4 жадвалга қаранг).

4-жадвал

Сўровнома категориялари ўртасида фоиз ўзгариши

№	Сўровнома- нинг категори- ялари	Тажриба бошида		Тажриба охирида		Жавоблар сони	% ўзарини	Жавоблар сони	% ўзарини
		Жавоблар сони	% ўзарини	Жавоблар сони	% ўзарини				
1	Ҳа	545	28,2	1075	82,1				
2	Йўқ	627	51,2	82	6,5				
3	Бильмайман	252	20,6	152	11,6				
4	Жавон:	1224		1309					

Талабаларнинг сўровнома категориялари бўйича (%) ўзгариш натижаларига кўра: тажриба бошида ва охирида $34\% < 84\% = \text{“ҲА”}$ ошиди, $43\% > 8\% = \text{“ЙЎҚ”}$ камайди ва $23\% > 8\% = \text{“БИЛМАЙМАН”}$ камайди, устунилик билан талабаларнинг соғлом турмуш маданияти асосларига муносабат ўзгаришлардан иборат нисбат хосил бўлди (1-расмга қаранг).



1-Расм. Электив курс талабаларida СТМга бўлган муносабатларининг ижобий ўзгаришлар динамикаси

Демак, электив курс жараённида қўлланилган электрон ресурслар: назарий ва амалий-методик машғулотлар оркали талабаларда соғлом турмуш маданияти асосларига бўлган ижобий статистик ўзгаришлар - **H1** гипотезани қабул килиш мумкинлигиги кўрсатади.

Хулоса. Сўровнома натижалари бўйича ўтказилган статистик таҳлил натижасида талабаларнинг соғлом турмуш маданияти асосларига муносабатини аниклаш бўйича 17 та савол юзасидан жавоб вариянтларининг эмпирик қиммати ва ижобий ўзгаришлар динамикаси билан ишончли фарқи тасдиқланди. Электив курс самарадорлигини тажрибавий текшириш масадасида ўтказилган сўровнома методи диагностик ва прогностик ахборотли деб ҳисобланади. Тажриба бошида ва охирида кайд этилган 13, 14 ва 15 тартиб остидаги жавобларда талабаларнинг салбий муносабати ва иккиланиши кузатилганлиги сабабли ишчи-ўкув дастур мазмуни (электрон ресурслар)ни кайта кўриб чикиш зарурати аникланди.

Ушбу жадваллардан кўриниб турибдики, ўтказилган сўровнома натижаларининг эмпирик қиммати – уларнинг қабул қилинган критик қимматидан катта. Демак, илгари сурилган гипотезалардан: (H0) гипотеза рад этилади, (H1) муқобил (альтернатив) гипотеза яъни тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар ўртасида фаркнинг статистик мавжудлиги исботланди.

Адабиётлар

1. Dobroradnykh, M. B. Health and image values in students' lifestyle / M. B. Dobroradnykh // Anniversary collection of scientific papers of young scientists and students of RGAHK. – M., 1998. – P. 31-37.

2. Iljin, E. P. Psychology of physical education / E. P. Iljin. – SPb., 2009.

3. Sysoeva, O. V. Social and hygienic aspects of formation of health-preserving behavior of students in higher educational institutions (on the example of Khabarovsk Region) : author. dis. ... PhD in med. sciences. / O. V. Sysoeva. – Khabarovsk, 2009. – P. 1-14.

4. Kadirov R.X., Shukurov R.S. THE WAYS OF THE ACTIVIZATION OF THE INDEPENDENT WORKS OF THE STUDENTS IN THE EDUCATIONAL PLATFORM MOODLE 10.5958/2278-4853.2020.00152.4. As an Journal of Multidimensional Research (AJMR) <https://tarj.in> 1 AJMR. ISSN: 2278-4853 Vol 9, Issue 5, May, 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 6.882 Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) <https://tarj.in> 2 AJMR. 24-30.

5. Kadirov R.X., Oripova N.M., WAYS OF ACTIVATING INDEPENDENT WORK STUDENTS IN MODERN CONDITIONS. INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center Section 1: New content of education in physical culture. <https://doi.org/10.47100/v1i1.76>.

6. Kadirov R.X., RESEARCH DEVELOPMENT TRENDS ACTIVITIES IN UNIVERSITIES. INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center Section 1: New content of education in physical culture. <https://doi.org/10.47100/v1i1.75>.

7. Капилевич Л.В., Научные исследования в физической культуре : учеб. пособие. – Томск : Томский государственный университет, 2013. – 184 с. <http://publish.tsu.ru/catalog/56/225/> (дата обозначения: 11.01.2021)

8. Стасюченко Б. Е., Семенова И. Н., Слепухин А. В. О соотношении понятий электронного обучения в высшей школе // Образование и наука. 2014. № 9 (118). С. 51-68.

9. Shukurov R.S., Kurash turari va uni o'qtish metodikasi (Turon): darslik/ Buxoro: "Sadreddin Saim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2020. – 244 b.